

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ВА ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.122/01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЖАББОРОВ ТОХИРЖОН КУРБАНОВИЧ

**СУРУНКАЛИ ТОРВОҚНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИНИ ОЛДИНИ
ОЛИШ ВА ДАВОЛАШНИНГ ГИГИЕНИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.07 – Гигиена
14.00.11 - Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдужабборов Тохиржон Курбанович

Сурункали торвоқнинг турли шакллари олдиди
олиш ва даволашнинг гигиеник жиҳатлари..... 3

Абдужабборов Тохиржон Курбанович

Гигиенические аспекты профилактики и лечения
различных форм хронической крапивницы..... 25

Abdujabborov Tohirjon Kurbanovich

Hygienic aspects of prevention and treatment of various
forms of chronic urticarial..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ВА ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.09.2020.Tib.122/01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЖАББОРОВ ТОХИРЖОН КУРБАНОВИЧ

**СУРУНКАЛИ ТОРВОҚНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИНИ ОЛДИНИ
ОЛИШ ВА ДАВОЛАШНИНГ ГИГИЕНИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.07 – Гигиена
14.00.11 - Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tib346 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ttaff.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар: Эрматов Низом Жумакулович
тиббиёт фанлари доктори, доцент
Ташкепбаева Умида Алишеровна
тиббиёт фанлари доктори, доцент


Расмий оппонентлар: Алимухамедов Дилшод Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори
Азизов Баходир Садикович
тиббиёт фанлари доктори, доцент


Етақчи ташкилот: Самарқанд Давлат тиббиёт институти


Диссертация ҳимояси Фарғона жамоат саломатлиги ва тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.09.2020.Tib.122/01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «1» ноябр соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 712000, Фарғона шаҳри, Янги Турон кўчаси. 2, tel: 243-06-62, Факс: 243-06-62 e-mail: info@ttaff.uz, fftma@mail.ru).


Диссертация билан Фарғона жамоат саломатлиги ва тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 712000, Фарғона шаҳри, Янги Турон кўчаси 2, tel: 243-06-62, Факс: 243-06-62 e-mail: info@ttaff.uz, fftma@mail.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «20» октябрь кунини тарқатилди.
(2021 йил «20» октябрь даги 2 рақамли реестр баённомаси).


Ф.Н. Саломова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент


Ш.А. Норматова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Г.Т. Исқандарова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори диссертация (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда сурункали торвоқ кенг кўламда тарқалганлиги, касалланишнинг тез ўсиши, даволашнинг анъанавий усулларига резистентлиги боис долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланиб келмоқда. Касалликнинг давомли ва узоқ кечиши, қичишиш билан ифодаланиши, косметик муаммолар сурункали торвоққа чалинган беморлар меҳнат қобилиятининг йўқолишига ва ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади. Сўнгги йилларда фундаментал тадқиқотлар эришган ютуқларига қарамай «...сурункали торвоқда касаллик патогенези, дифференциал ташхисоти ва патогенетик асосланган терапияни тавсия қилиш масалалари жуда қийин ҳисобланади, бу ушбу патология асосида ётувчи механизмларнинг турли-туманлиги ва мураккаблиги билан тушунтирилади. Шу боисдан турли этиология ва патогенезли сурункали торвоқни даволаш тактикаси сезиларли даражада фарқланиши керак...»¹. Шунини инобатга олган ҳолда, антигистамин дори воситалари миқдорини тўрт маротаба оширганда ҳам сурункали торвоққа чалинган беморларга сезиларли таъсир қилмаганлиги учун янги гигиеник талаблар ва овқатланиш рацион ишлаб чиқиш, касалланишнинг сезиларли даражада камайтириш масаласини амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу сабабли сурункали торвоқнинг турли шакллари олдани олиш ва даволашнинг гигиеник жиҳатларни такомиллаштириш энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда сурункали торвоқнинг турли шакллари олдани олиш ва даволашнинг гигиеник жиҳатларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада сурункали торвоқ кечишининг гигиеник ва клиник хусусиятларини, сурункали торвоқда сурункали тери касалликлари кузатилган беморларга ижтимоий-гигиеник, эндоген интоксикация ва улар қонида антиоксидант ҳимоя ҳамда оксидланиш жараёнлари ҳолатини, далилий тиббиёт усулларини қўллаш билан иммун тизими кўрсаткичлари тартибсизлиги даражасини баҳолаш ҳамда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг биологик ва сенсibilловчи хусусиятларининг ҳисоби билан гипоаллерген парҳез ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли аллергик касалликларнинг олдани олиш, самарали ташхислаш ва даволаш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш,

¹Asako Itakura, Yumiko Tani, Naoko Kaneko, Michihiro Hide. Impact of chronic urticaria on quality of life and work in Japan: Results of a real-world study. The Journal of dermatology 2018; 45; P. 963-970

ногиронликнинг олдини олиш....»² каби вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда сурункали торвоқнинг турли шакллари олдини олиш ва самарали даволаш кенг қўллаш орқали самардорлигини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдам фолоти тизимини ташкил этиш ва моддий-техник базани келгусида мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп йиллар мобайнида бутун дунё бўйлаб сурункали торвоқнинг кенг қўламда тарқалганлиги, касалланишнинг тез ўсиши, даволашнинг анъанавий усулларига резистентлиги боис долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланиб келмоқда. Сурункали торвоқнинг тарқалиши популяцияда 0,1% дан 5% гача тебраниб туради (Grotz, 2019). Касалликнинг давомли ва узок кечиши, қичишиш билан ифодаланиши, косметик муаммолар сурункали торвоққа чалинган беморлар меҳнат қобилиятининг йўқолишига ва ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади. (С.V. Dincy, 2019). Сўнгги йилларда аллергология бўйича фундаментал текширувлар соҳаси эришган ютуқларига қарамай, сурункали торвоқда касаллик патогенези, дифференциал ташхисоти ва патогенетик асосланган терапияни тавсия қилиш масалалари жуда қийин ҳисобланади, бу ушбу патология асосида ётувчи механизмларнинг турли туманлиги ва мураккаблиги билан тушунтирилади (R. Asero, 2017). Ҳар хил этиология ва патогенезли сурункали торвоқни даволаш тактикаси сезиларли даражада фарқланиши керак. Шубҳасиз, дерматозни даволашда биринчи қатордаги дори воситалари антигистамин дори воситаларининг иккинчи авлоди ҳисобланади, аммо сурункали торвоқ кузатилган 50% беморларда олиб борилган стандарт терапия самараси кузатилмади. Шунга қарамай,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

асосан, амалдаги даволашда антигистамин дори воситалари эмпирик сараланади, бунда беморлар узоқ йиллар давомида бу дори воситасини қабул қилишга мажбур бўлади, бошқа мумкин бўлган дори воситалари эса асосан, экспериментал мақсадларда қўлланилади (Горячкина Л.А., 2014). Антигистамин дори воситалари миқдорини тўрт мартаба оширганда ҳам сурункали торвоққа чалинган беморларга сезиларли таъсир қилмаганлиги учун янги терапевтик ёндашув ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж катта бўлди. (Голубчикова Р.Н., 2012). Ундан ташқари, антигистамин ва глюкокортикостероидларни узоқ вақт қабул қилиш салбий оқибатлар олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар ташвиш туғдиради.

Ўзбекистонда сурункали тери касалликларни самарали ташхислаш ва даволаш борасида (Мавлянова Ш.З., 2016), сурункали торвоқ патогенезида кам ўрганилган томонлардан бири цитокинларнинг аҳамияти баҳоланган (Муллаханов Ж.Б., 2018), чунки бу касаллик дерматознинг гетероген гуруҳига тегишли бўлиб, аксарият ҳолатларда турли хавф солувчи омилларга аллергия реакция сингари ривожланади (Абдуллаева Д.Г., 2019), бироқ, сурункали торвоқнинг турли шакллари олдани олиш ва даволашнинг гигиеник жиҳатларини парҳез овқатланиш тартиби такомиллаштирилмаган.

Торвоқда парҳез даволашнинг ажралмас қисми ҳисобланади, сурункали торвоқ билан хастланган беморларга амбулатор шароитида тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишни оптималлаштиришга имкон берадиган тадқиқотларни ушбу гуруҳдаги беморларнинг аниқланган ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, касалликни олдани олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, касалликни камайитиришга қаратилган маҳаллий маҳсулотлардан иборат кунлик рацион тузиш, беморларни ўзини ўзи даволашга бўлган муносабатини ҳисобга олган ҳолда даволаш тизимини ишлаб чиқиш долзарб муомоларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-2018-090921394 «Турли соматик касалликларнинг олдани олиш ва даволаш инновацион усулларини самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган (2014-2018 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: сурункали торвоқ билан хасталанган беморлар эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий гигиеник жиҳатларни баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали торвоқ кечишининг гигиеник ва клиник хусусиятларини баҳолаш ҳамда сурункали торвоқ мисолида сурункали тери касалликлари кузатилган беморларга ижтимоий-гигиеник тавсиф бериш;

сурункали торвоқ кузатилган беморларда эндоген интоксикация ва улар қонида антиоксидант ҳимоя ҳамда оксидланиш жараёнлари ҳолатини баҳолаш;

далилий тиббиёт усулларини қўллаш билан иммун тизими кўрсаткичлари тартибсизлиги даражасини баҳолаш;

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг биологик ва сенсibilловчи хусусиятларининг ҳисоб олган ҳолда гипоаллерген парҳез ишлаб чиқиш;
сурункали торвоқни олдини олиш ва комплекс даволаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилояти тери-таносил касалликлари диспансерига 2015-2018 йиллар давомида мурожаат қилган ва кузатувда бўлган таққослаш ёшидаги сурункали торвоқ кузатилган 80 нафар беморнинг ҳаёт тарзи, овқатланиш тартиби ва рацион, клиник-лаборатор текширув натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети қилиб, беморларнинг ҳаёт сифати кунлик рацион, рацион таркибидаги гипераллерген маҳсулотлар, периферик қондаги $CD4_3^+$ $CD3_3^+$ IgA^{3+} $Вл^{3+}$ $CD8_3^+$ $Лимф_3^+$ IgE_1^+ IgM_1^+ IgG_1^+ ва қайталаниш даврида $IgE_3^+CD4_3^+$ $В-лим.3^+$ IgA_3^+ IgM_3^+ $CD8_3^+$ $CD3_3^+$ $Т-лимф_3^+$ $Лимф_3^+$ материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Сурункали торвоқнинг турли шаклларини олдини олиш ва даволашнинг гигиеник жиҳатларини баҳолашда анкета-сўровнома, гигиеник, клиник, иммунологик, биокимёвий ва статистик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ремиссия даврида иммун тизимнинг гипо- ва гиперфункция калит кўрсаткичларини баҳолашга имкон берувчи иммун тизими тартибсизлигининг формуласи иммун тизими дисбалансининг ушбу ҳолати кузатилган беморларда тавсифловчи $CD4_3^+$ $CD3_3^+$ IgA^{3+} $Вл^{3+}$ $CD8_3^+$ $Лимф_3^+$ IgE_1^+ IgM_1^+ IgG_1^+ ва қайталаниш даврида - $IgE_3^+CD4_3^+$ $В-лим.3^+$ IgA_3^+ IgM_3^+ $CD8_3^+$ $CD3_3^+$ $Т-лимф_3^+$ $Лимф_3^-$ мавжудлиги асосланган;

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг биологик ва сенсibilловчи хусусиятлари ҳисобига олган ҳолда гипоаллергенлик хусусиятига эга парҳезни, беморларнинг жинси, ёши, иммун ва овқатланиш статуси, шунингдек, сурункали касалликлар мавжудлигига қараб индивидуал тартиби тавсия қилинганлиги исботланган;

озиқ-овқат маҳсулотларининг аллергиялик хусусиятларининг даражасини инобатга олган ҳолда касалликни олдини олишда илк белгиларга таъсир механизмига мос гигиеник кўникмаларнинг ўрни ва аҳамияти исботланган;

даволашнинг комплекс тизими даволашнинг зўриқиш даврини қисқартириш, шунингдек, субъектив сезишни деярли 2 марта йўқолишига имкон берган ва клиник соғайган беморлар сонини ошириш ва ремиссия даврини 1,5-2,5 мартага узайтиришга эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кунлик рационнинг таркибида аллергиялик таомлар юқорилиги баҳоланган; гипоаллерген парҳезни қўллаш биологик ва маҳаллий озиқ овқатларнинг сенсibilловчи хусусиятларини ҳисобга олиб, озиқ –овқатларни доминантлик қилувчи аллергиялардан тозалишга мўлжалланган;

иммун тизими дисбалансининг ушбу ҳолати кузатилган беморларда тавсифловчи $CD4_3^+$ $CD3_3^+$ IgA^{3+} $Вл^{3+}$ $CD8_3^+$ $Лимф_3^+$ IgE_1^+ IgM_1^+ IgG_1^+ ва

қайталаниш даврида - $IgE_3^+CD4_3^+$ В-лим. $_3^+$ IgA_3^+ IgM_3^+ $CD8_3^+$ $CD3_3^+$ Т-лимф $_3^+$ Лимф $_3^-$ - мавжудлиги баҳоланган;

маҳаллий дори воситалари билан биргаликда беморларнинг даврий тиббий кўриклари, соғлом овқатланишини ташкиллаштириш орқали касаликликнинг турли асоратларни олдини олиш тартиби баҳоланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи анкетали-сўровнома, гигиеник, клиник, иммунологик, биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, сурункали торвоқни турли шакллари олдини олиш ва даволашнинг гигиеник жиҳатларини баҳолашни такоимллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали торвоқни даволаш соҳасида билимларнинг даражасини ошириш, сурункали торвоқ билан хасталанган беморларда эндоген интоксикация ва улар қонида антиоксидант ҳимоя ҳамда оксидланиш жараёнлари ҳолатида ўзгаришларнинг назарий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган асосий хулоса ва таклифлар комплекс даволашда тартиби сезувчанликни яхшиловчи парҳез терапияси, анафилактик ҳолатнинг олдини олиш ва сурункали торвоқ кучайишининг бартараф қилиш, парҳез терапияси сезувчанлигини яхшилаш, анафилактик ҳолатнинг олдини олади ва зўриқишни йўқотиш, касалликни олдини олиш ва организмдаги жараёнларни оптималлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Сурункали торвоқнинг турли шакллари олдини олиш ва даволашнинг гигиеник жиҳатларини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

сурункали торвоқни олдини олиш ва даволашда иммунологик белгилар, кўрсаткичлар, қондаги ўзгаришлар ва янги ишлаб чиқарилган парҳез таомлар касалликнинг эрта асоратларининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган «Сурункали торвоқни турли шакллари олдини олиш ва даволашнинг гигиеник аспектлари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/219-сон маълумотномаси). Натижада сурункали таровоқни турли шакллари кенг қамровли тарқалишини олдини олиш, эрта ташхислаш, даволаш ва касалликнинг асоратларни олдини олишга қаратилган тактикасини танлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

сурункали торвоқнинг турли шакллари олдини олиш ва даволашнинг гигиеник жиҳатлари ташхислаш ва самарали даволаш ва олдини олишга қаратилган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика санитария эпидемиология осайишталик ва жамаот саломатлиги

хизмати маркази ҳамда Андижон вилояти тери таносил касалликлари диспасери амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 августдаги 08-09/9546-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали торвоқнинг турли шакллари эрта ташхислаш, касалликни самарали даволаш тизимида ўзга хос даволаш тизимини жорий қилиш ва касалликни олдини олишда янги ишлаб чиқилган гипоаллергенлик хусусиятга парҳезнинг самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикасидаги фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурункали торвоқ тошиш касаллиги турли шаклларининг олдини олиш ва даволашнинг гигиеник жиҳатларнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида сурункали торвоқни тарқалиши, ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлили амалга оширилган. Касалликни ташхислаш ва даволашдаги мавжуд усулларнинг афзаллиги ва камчиликлари таҳлил қилинган ва ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки ёритиш талаб қиладиган томонлари очиқ берилган. Сурункали торвоқ касаллигини олдини олиш, самарали даволаш ва коррекциялаш мақсадида принципиал муаллифилик ёндошув ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Сурункали торвоқнинг турли шакллари олдини олиш ва даволашнинг гигиеник жиҳатларни баҳолашнинг клиник материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий характеристикалари берилган, тадқиқот усуллари тавсифланган. Тадқиқот ишлари 2014-2018 йилларда Андижон вилоят тери-таносил касаликлар диспансер бўлимига мурожаат қилган ва назорат остига

олинган сурункали таққослаш ёшидаги торвоқ билан хасталанган беморларнинг ижтимоий-гигиеник, клиник ва лаборатор текшируви натижаларига асосланган.

Пациентларнинг овқатланиш тартиби ва сифатини баҳолаш материаллари экспедиция шароитида йилда 2 марта (қиш–баҳор ва ёз–куз мавсумларида) ўртача кунлик кўрсаткичларда 10 кун давомида кунлик истеъмол қилган маҳсулотларни ҳисоб варақасида қайд этиш билан олиб борилган. Кунлик рационда асосий озиқа моддалар ва энергетик қиймати озиқа маҳсулотларининг кимёвий таркиби бўйича ҳисобланган. Олинган натижалар «Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби» бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотни амалга оширишда қуйидаги мезонлардан фойдаланди: 1-гуруҳ клиник тавсияномага мувофиқ анъанавий даволанган сурункали торвоқ кузатилган 38 (47,5%) нафар бемор қиёсий гуруҳни ташкил қилди;

- 2-гуруҳ эса комплекс даволанган сурункали торвоқ билан хасталанган 42(52,5%) нафар бемордан иборат бўлди.

Назорат гуруҳига сурункали торвоқ билан хасталанган 25 нафар (65,8%) аёл ва 18 нафар (47,4%) эркак, асосий гуруҳга эса 25 (59,5%) нафар аёл ва 17 (40,5%) нафар эркаклар жалб қилинган.

Беморларнинг профилактик тиббий кўрик натижалари ҳамда мурожаатлар бўйича касалликлар таҳлили Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 классификацияси асосида амалга оширилган.

Пациентларнинг касалхонага келган вақти ва динамикада қонининг клиник таҳлили ўтказилди. Қоннинг умумий клиник таҳлили клиник кўрсатма бўйича гемоглобин концентрацияси, эритроцитлар миқдори, ранг кўрсаткичи, лейкоцит, тромбоцитлар миқдори, лейкоцитар формула, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги ва бошқа кўрсаткичларни аниқлашни ўз ичига олади. Гемограмма клиник белгилар билан биргаликда ташхислаш аҳамият касб этади.

Сийдикнинг умумий клиник таҳлили бемор касалхонага келган вақтда ва динамикада ўрганилди. Сийдикни текшириш миқдорни ўлчаш, жисмоний хусусиятларни аниқлаш, кимёвий таркиби, шунингдек, чўкиндининг микроскопик кўринишини ўрганишдан иборат бўлди. Сийдикнинг клиник таҳлил кўрсаткичлари бошқа лаборатор маълумот ва касалликнинг клиник кечиши билан биргаликда баҳоланди.

Торвоқнинг кечиш даражаси ва фаоллигини баҳолаш мезонлари сифатида Urticaria activity score-7 (UAS-7) валидли сўровномадан фойдаланилди. Торвоқнинг фаоллиги дерматознинг 2 та асосий клиник кўрсаткичи: қавариқлар миқдори ва кетма-кетлиги 7 кун давомида ҳар 24 соатда қичишишнинг ифодаланиши бўйича аниқланди. Кўрсатилган шкала касаллик оғирлиги ва унинг кечиш динамикаси, шунингдек, даволаш мониторингини баҳолашни аниқлаштирди.

Клиник намоён бўлишнинг клиник ифодаланиши 0 дан 3 баллгача бўлган шкала тизимида баҳоланди. Бунда яхши назорат қилинган торвоқ 0 дан 6 баллгача, оғирликнинг енгил даражаси 7 дан 15 баллгача, ўртача даражаси 16 дан 27 баллгача, торвоқнинг оғир кечиши 28 дан 42 баллгача

баҳоланди. Натижаларни статистик қайта ишлаш Мана-Уитнинг U-мезонидан фойдаланиб олиб борилди.

Иммунитетнинг ҳужайрали тизимини баҳолаш тартиби. Сурункали торвоқ А, М ва G зардобли иммуноглобулин даражасини ўрганиш йўли билан умумий гуморал иммунитет ва Т-лимфоцитлар миқдори ҳамда уларнинг субпопуляцияси, В-лимфоцитларни аниқлаш орқали ҳужайравий иммунитетни ўрганиш киради.

Яширин таркибда иммуноглобулинлар ва А, М ва G зардобли иммуноглобулин даражасини аниқлаш Mancini Get.al. (1965) усулини модификацияланган стандарт моноспецефик зардобга қарши воситани қўллаш билан оддий радиал иммун диффузия усулида амалга оширилди.

Т-лимфоцитларнинг умумий миқдори ва уларнинг асосий субпопуляцияси, В-лимфоцитларнинг умумий миқдори ҳамда периферик қонда табиий киллерларини аниқлашда разетка шаклланиши усулидан фойдаланилди (Гариб Ф. Ю. в.б., 1995; Залялиева М. В., 2004). Розетка шаклланиши реакциясини аниқлаш учун тахминан Rh+гурух 1(0) кишининг формалинланган эритроцитларидан фойдаланиб эритроцитар диагностика умумий тайёрланган, унда 0,3% хлорли хром ёрдамида моноклонал антитана юкланади. Т (СД3) – лимфоцитларни аниқлаш учун LT3, Т-хелперлар (СД4) – LT4, Т-супрессорлар (СД8) – LT8, етилган В-лимфоцитлар (СД19) – LT19 ва Россия ССВ иммунология институти томонидан ишлаб чиқилган табиий киллерлар (СД16) – LT16 моноклонал антитаначадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Сурункали торвоқ билан хасталанган беморларнинг кунлик овқатланишини гигиеник таҳлили»** деб номланган учинчи бобида сурункали торвоқ билан хасталанган пациентларнинг уй шароитида ва шифохонада бўлган мудатдаги овқатланиш тартибини гигиеник баҳоланган. Сурункали торвоқ билан хасталанган пациентларнинг уй шароитида овқатланиш тартиби йилнинг қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумидаги таҳлил қилинган. Пациентларнинг кунлик рациони таркибида умумий маҳсулотларнинг истеъмол даражаси йилнинг қиш-баҳор мавсумида - 33,3%дан +333,3%га силжишлар қайт қилинганлигини кўрсатиб турибди. Унинг истеъмол даражаси эркакларда 281,8%ни, аёлларда эса 233,3%ни ташкил қилган. Ноннинг кунлик истеъмол даражаси эса эркакларда +162,7%ни, аёлларда эса +170,45%ни, макрон маҳсулотларининг истеъмол даражаси эса анологик тартибда +238,8+233,35%ни ташкил қилган. Қатор тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, картошканинг истеъмол даражаси эркакларда физиологик меъёрий даражага нисбатан 1,5 мартага, аёлларда эса 1,3 мартагача ортиқчалигини кўрсатиб турибди.

Маргаринни эркаклар 2 мартагача, аёллар 3,7 мартагача, ўсимлик мойини эса 1,7 ва 1,5 мартагача ортиқча истеъмол қилишган анологик тартибда.

Қандолат маҳсулотларининг меъёрий ҳужжатда меъёрий даражаси кўрсатилмаган, уларнинг таркиби ун, маргарин, шакардан ташкил топган.

Қандолат маҳсулотларини эркаклар кунига 113 граммни, аёллар эса 146 граммгча кунига истеъмол қилинганлиги аниқланди. Ош тузининг истеъмол даражаси 1,5-2,2- мартага оширилган. Пациентларнинг ёз-куз мавсумида қиш-баҳор мавсумига нисбатан мева ва сабзовотларнинг миқдори ортиқча бўлишига қарамасдан, физиологик меъёрдан сезиларли даражада камдир, бироқ, айрим маҳсулотларнинг истеъмол даражаси таҳлилидан кўриниб турибдики, кун давомида истеъмол қилинадиган бўтқалар миқдори камлиги ва уларнинг ўрнини фақат ширгуруч ташкил қилганлигидан далолат беради. Ноннинг кунлик миқдори эса эркакларда 1,60 мартага, аёлларда эса 1,65 мартага ортиқча истеъмол қилган бўлса, макроннинг истеъмол даражаси эса эркакларда 2,16 мартага, аёлларда 1,93 мартага ортиқчадир. Сутнинг кунлик истеъмол миқдори иккала жинсда ҳам камлигини кўрсатиб турибди.

Хулоса қилиб, таъкидлашимиз жоизки, йилнинг барча мавсумларида сурункали торвоқ билан хасталанган пациентларнинг кунлик рациона ва таркибий қисмининг сон ва сифат даражаси физиологик меъёрий кўрсаткичларга мос келмайди. Биринчидан кунлик рацион таркибида ун, нон, макарон маҳсулотлари билан биргаликда, тузланган балиқ маҳсулотлари ва ош тузининг миқдори кескин ортиқчалиги аниқланди, иккинчидан кунлик рацион таркибида мева ва сабзовотлар билан биргаликда сут, гўшт ва соф балиқ маҳсулотларининг миқдори эса кескин камайтирилган.

Таъкидлашимиз жоизки, ушбу ҳолат пациентларнинг нафақат моддалар алмашинув жараёни, ёки метоболик ҳолатлар, ошқозон ичак тизими фаолиятининг издан чиқишга шароит яратиши унинг оқибатида турли аллергиялик ҳолат, балким сурункали торвоқнинг ривожланишга шароит яратилганлигидан далолат беради.

Сурункали торвоқ билан билан хасталанган ва шифохонада даволанаётган беморларнинг овқатланиш тартибининг таҳлилидан кўриниб турибдики, Андижон вилояти тери таносил касалликлари диспансерининг кунлик рацион таркибининг энг асосий қисмини нон маҳсулотлари билан биргаликда картошкадан ташкил қилган, кунлик меъёрга нисбатан картошка эркакларда 176,4% дан 181,8% гача ортиқчалигини кўрсатиб турибди. Картошканинг таркиби калий микроэлементига бой бўлиб, беморлар иммун тизимини ошириш билан биргаликда ортиқча тана вазнининг манбаи ҳисобланади. Ноннинг кунлик истеъмоли эса эркакларда 98%ни, меъёридан 2% га кам, аёлларда 133,6% га ортиқчилигини кўрсатиб турибди. Бундан кўриниб турибдики, аёлларда 13,6% га ортиқчадир. Ушбу беморларга асосан биринчи навли ва 2-чи навли буғдой унидан тайёрланган нон маҳсулотларидан ташкил қилган бўлиши керак, бироқ, шифохонадаги рациондаги нон олий навли нондан ташкил топган. Сурункали торвоқ билан хасталанган пациентларнинг парҳез столида ёрмаларнинг миқдори эркакларда 222,2%га; аёлларда эса 250%га таъминланган бироқ, ёрмаларнинг барча тури киритилмаган. Кунлик рационга айрим кунларда гречка ва перловка киритилган. Макарон миқдори эса эркакларда +166,7% га, аёлларда +200% га ортиқчадир. Назорат остига олинган пациентларнинг кунлик рационада гўшт маҳсулотларининг таъминланганлик даражаси эркакларда 86,5%, аёлларда 95,8% ни ташкил қилди. Ўсимлик мойининг аксарият қисми

аллергенлик хусусиятига эга бўлиб, унинг таъминланганлик даражаси 20% га, аёлларда 13,1%га камлиги билан изоҳланади.Сабзовотлардан фақат карамнинг таъминланганлик даражаси эркак ва аёлларда +66,6% га ортиқчадир. Кунлик рацион таркибида шакар ва қандолат маҳсулотларининг истеъмол даражаси 33,3% эркакларда, аёлларда эса 44,4% ни ташкил қилган. Ош тузининг истеъмол даражаси эса 40% га ортиқчадир.

Андижон вилояти тери таносил касалликлари диспансерининг 10 кунлик пархез таомномасининг таҳлили гигиеник талабларга мос келмайди. Кунлик рацион таркибида ош тузи, картошка, нон, карам, ёрмалар, макарон, гуруч етарли даражадан ортиқчадир. Пациентларнинг кунлик тамономасида бойитилган Ўзбекистон унидан тайёрланган нон маҳсулотлари, яхшилаб қайнатиб олинган гўшти, сабзовотли, шўрвалар, сабзовотли қайнатмалар, лавлагили шўрвалар, кўзиқорин ва сабзовотларнинг қайнатилган дамламалари, мевали шўрвалар ва сутли шўрвалар, турли ёрмалар ва дуккакдилардан тайёрланган таомлар камлиги, рационга кўкатлар ва хом мева ва сабзовотлар киритилмаган, шунингдек, маҳаллий мева сабзовотларнинг шарбатлари, наматак шарбати, буғдой муртагидан тайёрланган ёрмалар, овқат толаларнинг етишмайди.

1-жадвал

Андижон вилояти тери касалликлари диспансери кунлик таомномасининг озиқа моддаларнинг қувватий таркибини гигиеник таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Рационнинг физиологик меъёри	Рационинг аниқ кўрсаткичлари	Меъёрга нисбатан, таъминланганлик
1	Оқсиллар	80	70,6±3,2	88,2
2	Ҳайвон оқсиллари	40	30,2±2,3	75,5
3	Ёғлар	90	51,1±2,9	56,7
4	Ҳайвон ёғлари	22,5	15,2±2,1	67,6
5	Карбонсувлар	400	318,86±3,5	79,7
6	Қуввати	2700	2024,1	89,7

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар юқори (***) - P<0,001); ^ - 1-гуруҳ маълумотлари бўйича фарқ юқори (^ - P<0,01)

Ушбу ҳолатлар шифохона шароитида беморларнинг иммун тизимини фақат дори воситалари билан вақтинчалик бошқариш уй шароитидаги рационга ўтиш эса яна касалликнинг қайталанишига шароит яратди, эса яна касалликнинг қайталанишига шароит яратган.

Олинган натижаларнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, уй шароитида овқатланишга нисбатан шифохонадаги овқатланиш ва рацион таркиби умуман талабга жавоб бермайди.

Ушбу овқатланиш тартибини тубдан кўриб чиқиш, маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг манбалари, маҳсулотларнинг аллергиялик хусусиятлари ўрганилган тартибда маҳаллий маҳсулотлардан иборат

бўлган гипоаллерген ва элиминацион рацион тузиш орқали касалликни даволаш тартибини асослаш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «**Сурункали торвоқда локал ва тизимли яллиғланиш биомаркерлари**» деб номланган тўртинчи бобида торвоқ шиллик парда ва терида кавариқларнинг пайдо бўлиши билан кузатилувчи дерматоз ҳисобланади. Торвоқ кенг тарқалган касаллик бўлиб, саналади: унинг турли клиник вариантлари популяцияда 15-25% пациентларда кишиларда ташхисланади, ундан тўртдан бир ҳолати сурункали торвоққа (СТ) тўғри келади. Касаллик давомийлиги катталарда ўртача 3-5 йилни ташкил қилиб, ҳар бешинчи пациентда 20 йил мобайнида сурункали торвоқ даврий кавариқ пайдо бўлиши билан ташхисланди. Ундан ташқари, торвоқ кузатилган ҳар иккинчи пациентда инсонларда ҳаёт учун хавфли гигант торвоқ ёки ангиошиш қайд қилинади. Торвоққа хос хусусиятларга қуйидагилар киради: кавариқ, доғ ва шиш шаклида пайдо бўлиши; қичишишнинг мавжудлиги тошмаларнинг оғриқсизлиги (ҳамроҳ кечаётган Квинка шиши оғриқли бўлиши мумкин); узоқ жойлашган тошмалар кун мобайнида «тоза тери» бўлиб йўқолади.

Айрим кавариқлар бир кун ва/ёки ундан кейин кузатилса, улардан сўнг тери оқариб, шўрлашиши, доғ ва шунга ўхшаш ҳолатлар кузатилади, унда торвоқни эслатувчи, бошқа касаллик, масалан, уртикар васкулит бўлиши мумкин.

Кўпроқ тошма тошиш стафилококк инфекциясини (RR=2,25), озиқ-овқатдан аллергия (RR=1,60), (касалликнинг нисбий хавфи RR=1,5) ўтказиш оқибатида келиб чиқади.

2-жадвал

Касаллик бошланишига хавф солувчи этиологик омиллар

Этиологик омиллар	1 -гuruh (n=32)		2-гuruh (n=48)		RR	P
	Абс	%	абс	%		
Гиперинсоляция	1	3,1	2	4,2	0,75	>0,05
Чанг	2	6,3	4	8,3	0,75	>0,05
Узоқ вақтдаги ўчоқли инфекция	3	9,4	6	12,5	0,75	>0,05
ЎРК ўтказганлиги	5	15,6	5	10,4	1,50	>0,05
Овқатдан аллергияси	6	18,8	15	31,1	1,60	>0,05
Дори воситаларидан аллергия	8	25,0	11	22,9	1,09	>0,05
Ҳаддан ташқари совқотиш	1	3,1	2	4,2	0,75	>0,05
Стрептококк инфекцияси	2	6,3	5	10,4	0,60	>0,05
Стафилококк инфекцияси	3	9,4	2	4,2	2,25	>0,05
Ҳашоратлар чақиши	1	3,1	2	4,2	0,75	>0,05

Сурункали торвоқ узок вақт давомли уртикал қичишиш билан кузатилувчи персистик ва узок давр қавариқ тошиши, турли вақт давом этувчи ёруғлик оралиғи билан алмашиб турувчи сурункали қайталанувчи бўлади. Сурункали торвоқнинг давомийлиги одатда 1-3 йилни ташкил қилади, ҳар тўртадан биттасида ўн йилдан ошади. Торвоқнинг характерли белгилари пуфакчалар ва доғлар эмас, асосан қавариқ ҳисобланади. Кўпинча тошма симметрик характерга эга. Қавариқ 1-гуруҳда 26 (81,3%) ва 2-гуруҳда 42 (87,5%) нафар беморда аниқланди.



1-расм. Сурункали торвоқ кузатилган беморларда қавариқ локализацияси ва кўриниши. В- исмли пациентнинг 115- амбулаторкартасидан олинган.

Торвоқ кузатилган беморларнинг тахминан 50%да қавариқ билан бирга терининг чуқур қатлами ва тери ости ҳужайралари шиши (ангиошиш ёки Квинка шиши) ривожланади. Бутун танадаги тошмалар, аралашган шишлар, ҳиқилдоқ ва оғиз-бўйин соҳаларида шиш пайдо бўлиши, овознинг бўғилиши, нафас олиш ва ютишнинг қийинлашишида яқин атрофдаги тўқима ва органларда шиш жараёнинининг тарқалишини тўхтатиш учун тезкор муддатда чоралар қабул қилиш керак.

1-гуруҳда 8 нафар (25,0%) беморда, 2-гуруҳда 6 (12,5%) нафар беморда эритроматоз қичишиш кузатилди. Утрикар элементлар 1-гуруҳда 9 (28,1%) ҳолатда, 2-гуруҳда 9 (18,8%) ҳолатда ($RR=1,50$), доғли папулез эса 1-гуруҳда 11 (34,4%) нафар беморда ва 2-гуруҳда 15 (31,3%) ($RR=1,10$) нафар беморда, буллез-папулез 1-гуруҳда 4 (12,5%) ва 2-гуруҳда 8 (16,7%) нафар беморда аниқланди. Торвоқ фаоллиги дерматознинг 2 асосий клиник кўрсаткичлари: қавариқ миқдори ва 7 кун

мобайнида ҳар 24 соатда кичишишнинг ифодаланиши билан ифодаланади.

3-жадвал

Сурункали торвоқ кузатилган беморларда тери тошмаларининг локализацияси

Локализация	1 -гурӯҳ (n=32)		2- гуруҳ (n=48)		RR	P
	Абс	%	абс	%		
Симметрик	22	68,8	36	75,0	0,92	>0,05
Симметрик бўлмаган	10	31,3	12	25,0	1,25	>0,05
Юқори қисмларда	23	71,9	30	62,5	1,15	>0,05
Пастки қисмларда	17	53,1	14	29,2	1,82	<0,05
Танада	12	37,5	22	45,8	1,42	<0,05
Бўйинда	25	78,1	29	60,4	1,29	<0,05

Фаолликнинг энгил даражаси 1-гурӯҳда 6 (18,8%) нафар беморда, 2-гурӯҳда 3 нафар (6,3%) беморда (RR=3,00), ўртача даражаси 1-гурӯҳда 14 (43,8%), 2-гурӯҳда 28 (58,3%) нафар беморда (RR=0,75), оғир даражаси 2-гурӯҳда 12 (37,5%) ва 17 (35,5%) нафар беморда (RR=1,06) кузатилди.

Сурункали торвоқ кузатилган беморларнинг гигиеник ҳаёт шароитининг тахлилидан кўриниб турибтики кўплаб оилаларда моддий даромаднинг пастлигини (28 (87,5%) – 1 –гурӯҳда ва 36 (75,0%) (RR=1,17)) кўрсатди.

Уй шароитида 1 нафар кишига 9 м² дан кам майдон 1-гурӯҳда 75,0 % беморда ва 2-гурӯҳда 51,0% беморда аниқланди (RR=1,44).

1-гурӯҳда 30 нафар (93,8%) беморда ва 2-гурӯҳда 44 нафар (91,7%) беморда тартибсиз овқатланиш кузатилган. Биринчи гуруҳда энг кўп истеъмол қилинадиган овқатлар ёғли ва ун маҳсулотларидан тайёрланган овқатлар бўлса, 2-гурӯҳ аччиқ ва шўр овқатлар билан тавсифланади.

Аллергия чакирувчи маҳсулотлар орасида мол сути 1-гурӯҳда 65,6% ва 2-гурӯҳда 60,4% беморда устун эканлигини кўрсатади (P>0,05; RR=1,09). Энг катта хавф тухум истеъмол қилган беморларда кузатилди: 1-гурӯҳда 37,5% ва 2-гурӯҳда 20,8% беморда аниқланди (P>0,05; RR=1,80). Касалликнинг зўриқиш кучайган даврида кон плазмасида МДА даражасининг кескин ошганини аниқладик. Клиник симптомларнинг йўқ бўлиб кетиши даврида МДАнинг ўртача миқдори пасайгани кузатилди, аммо бу кўрсаткичнинг юқори даражаси соғлом инсонларда сақланиб қолди. Ремиссия даврида ўрганилган кўрсаткич 7% беморда меъерий даражага етади, текширилаётганларнинг кўпчилигида референс йиғиндининг юқорилигича қолди (p<0,001). НСТ-тести фагоцитоз жараёнларига боғлиқ нейтрофилларда

«респиратор портлаш» ни аниқлаш ҳамда кислороднинг фаол шакллари пайдо бўлишининг ошиши билан кузатишга имкон беради.

НСТ-тести кўрсаткичлари динамикаси ва касалликнинг оғир кечиши билан унинг боғлиқлиги ҳамда ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлиги МДА миқдорини ўрганишда аниқланган кўрсаткичларга ўхшашлиги баҳоланган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Сурункали торвоқ тошган беморларнинг периферик қонида МДА концентрацияси, нейтрофиллар НСТ-тести кўрсаткичлари ва антиоксидант ҳимоя компонентлари даражаси

Кўрсаткич	КГ, n=30	Қиёслаш гуруҳи, n=32	
		Рецидив	Ремиссия
МДА (мкмоль/л)	1,3±0,07	5,71±0,04***	2,89±0,06***^^^
